

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ЗУХРА АБРАРОВНА

**МИКРОКЛОНЛАШ УСУЛИ ЁРДАМИДА ВИРУССИЗ ДОРИВОР
PHYSALIS ALKEKENGI ЎСИМЛИГИНИ ЯРАТИШ ВА БИОЛОГИК
ФАОЛ МОДДАЛАР ОЛИШ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кадилова Зухра Аббаровна

Микроклонлаш усули ёрдамида вируссиз доривор *Physalis alkekengi*
ўсимлигини яратиш ва биологик фаол моддалар олиш 4

Кадилова Зухра Аббаровна

Создание безвирусного лекарственного растения *Physalis alkekengi*
методом микроклонирования и получение биологически активных
веществ 22

Kadirova Zuxra Abrarovna

Creating a virus-free medicinal plant *Physalis alkekengi* by microcloning
and obtaining biologically active substances 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАДИРОВА ЗУХРА АБРАРОВНА

**МИКРОКЛОНЛАШ УСУЛИ ЁРДАМИДА ВИРУССИЗ ДОРИВОР
PHYSALIS ALKEKENGI ЎСИМЛИГИНИ ЯРАТИШ ВА БИОЛОГИК
ФАОЛ МОДДАЛАР ОЛИШ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В347 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташмухамедова Шохиста Сабировна**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Турдикулова Шахлохон Уткуровна**
биология фанлари доктори, профессор

Рамазанов Нурмурод Шералиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Геномика ва биоинформатика маркази

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «9» июль кuni соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлади. Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7⁶-уй, Микробиология институти мажлислар зали, 3-қават Тел.:(+99871) 241-92-28, факс:(+99871) 241-92-71; e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7⁶-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават. Библиотека. Тел.:(+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс:(+99871) 241-92-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» кuni тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ рақамли реестр баённомаси).

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ортиши доривор моддаларга бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Маълумки, биологик фаол моддалар тиббий жиҳатдан аҳамиятли бўлган ноёб доривор ўсимликлардан олинади. Бугунги кунда экологиянинг кескин ўзгариши ушбу ноёб ўсимликларнинг фитопатогенлар яъни ўсимлик вируслари билан касалланишига олиб келади. Вирусли патогенлар ўсимликларнинг ўсиши, ривожланишига, шу билан бирга уларнинг дориворлик хусусиятларига ҳамда сифатига салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, вирусларга қарши пестицидларни, заҳарли кимёвий моддаларни ишлатилиши ҳар доим ҳам ижобий самара бермайди, балки ушбу моддалар биосферага жиддий зарар етказиши мумкин. Шу сабабли, доривор ўсимликларни, жумладан *Physalis alkekengi* ўсимлигини микроклонал усулда кўпайтириб, соғлом вируссиз ўсимлик яратиш ва ундан биологик фаол моддаларни олиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда турли доривор ўсимликларни фитопатогенлардан, айниқса итузумдошлар оиласи вакилларига жиддий зарар етказадиган тобамовируслардан химоя қилиш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўсимликларни микроклонал кўпайтириш усули самарадорлигини аниқлаш, ўсимлик эксплантларини ўстириш ва кўпайтириш учун оптимал озиқа муҳитларини танлаш, ўсимлик протопластларини ажратиш асосида соматик дурагайларни олиш, ўсимлик хужайраларини ажратиш ва уларни генетик трансформациялаш, гаплоид ўсимликлар ва улар асосида дигаплоидларни олиш усулларини такомиллаштириш, *Physalis alkekengi* L. экстрактларининг тиббий хусусиятларини аниқлаш, таркибида антибактериал фаолликга эга ва иммуностимуляторлик хусусияти мавжуд бўлган фаол бирикмаларни яъни физалинлар ва флавоноидларни ажратиб олишда замонавий биотехнологик ёндашувларни қўллаган ҳолда ўсимликларни микроклонал кўпайтириб, вируссиз, соғлом доривор ўсимликларни яратиш биотехнологиясини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Республикамизда фармацевтика, тиббиёт ва озиқ-овқат саноатини соғлом доривор ўсимликлар асосида олинadиган фаол моддалар билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, доривор ўсимликлар ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш, шунингдек, фитопатогенларга чидамли ўсимлик плантацияларини яратиш борасида муайян натижаларга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, вируссиз ўсимлик олиш учун *Solanaceae* оиласи вакили *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигини *in vitro* шароитда микроклонал кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғи жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ўсимликлар, жумладан, итузумдошлар оиласига мансуб физалис турларининг (*Physalis alkekengi* L.) профилактик ва терапевтик хусусиятларини ўрганиш йўналишида дунёдаги кўплаб илмий текшириш марказларида бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Физалиснинг турлари бўйича илмий тадқиқот ишлари АҚШ, Франция, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Эрон олимлари Ai-LingLi (2018), Cheng Y.K., (2008), Laczkó-Zöld E. (2009), Helvacı S., (2010), Zang L.H., Feng Y.S., (2013), Zunpeng Shu, Na Xing, (2016), Osho (2010) томонидан олиб борилмоқда. Шунингдек, *Physalis alkekengi* L. спиртли экстрактларининг яллиғланишга қарши хусусиятлари Kang H., (2011), Ji L., Yuan Y. (2012), Hong J.M., Kwon O.K., (2015), Shu Z., Xing N., (2016), Moniruzzaman M., Bose S., (2016), Montaserti A., Pourheydar M., (2007), Ji L. ва Yuan Y., Luo L. (2012) олимлар томонидан ўрганилган. *Physalis alkekengi* L. мевали экстрактининг анемияни даволашдаги самарали таъсири Shahnaz Shekar-Foroosh ва бошқалар (2014) томонидан аниқланган. Ёшга боғлиқ кўриш қобилиятининг бузилишини олдини олишда *Physalis alkekengi* L. ўсимлигининг фойдали хусусиятларини Дейнека В.И., Сорокопудов В.Н. (2008) олимлар ўрганганлар.

МДХ мамлакатлари олимлари И.А. Гостищев ва унинг шогирдлари томонидан *Physalis alkekengi* L. таркибидаги каротиноидларни (2018), Т.Ю. Гумеров ва бошқ. физалиснинг биокимёвий таркибини (2017), И.Дж. Кароматов, З.Р.Гоипова (2017) *Physalis alkekengi* L.нинг шифобахшлик хусусиятларини аниқлаш борасидаги маълумотлар келтирилган. ЎЗР ФА Ботаника институтида физалиснинг ботаник хусусиятлари борасида С. Саҳобиддинов (1978), Зоҳидовлар (1991) томонидан илмий ишлар олиб борилган.

Таъкидлаш жоизки, соғлом, патогенсиз доривор *Physalis alkekengi* ўсимлигининг экув материални олиш учун учун *in vitro* шароитда микроклонал кўпайтириш усули амалий жиҳатдан энг қулай ва самарали ҳисобланади. Итузумдошлар оиласидан *Physalis minima* L., *Physalis angulata*

L. ўсимликларини микроклонал кўпайтириш бўйича G. Jahirhussain, S. Parvathi (2016), Owk Aniel Kumar (2016) олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва доривор ўсимликларни кенг миқёсда тарқалишини ривожлантиришга қаратилган технология ишлаб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, *Physalis alkekengi L.* доривор ўсимлигини *in vitro* шароитда микроклонал кўпайтириш ва вируссиз соғлом ўсимликларни яратиш тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Шу сабабли, микроклонал кўпайтириш усулида вируссиз *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигини яратиш ва биологик фаол моддалар олиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ДИТД А-6-9 «Маҳаллий хом-ашёдан иммуномодуляторлар ажратиш, улар асосида қўйи молекулали моддаларга специфик антитаналар олиш ва ушбу компонентлар асосида тест-система ишлаб чиқиш» (2015-2017), 2.3 «Вируслар, микроорганизмлар ва биологик фаол моддаларни ўрганишнинг назарий ва амалий жиҳатлари» мавзусидаги (2015-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тамаки мозаикаси вирусини ажратиш, тозалаш ва идентификация қилиш ҳамда микроклонлаш усулида вируссиз *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигини яратиш ва биологик фаол моддаларни олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Physalis alkekengi доривор ўсимлиги вирусининг вирус-специфик хусусиятларини аниқлаш ва dot-ИФА усули ёрдамида идентификация қилиш;

in vitro микроклонал кўпайтириш учун ўсимлик эксплантларини тайёрлаш ва уларни стерилизация қилиш;

ўсимликни микроклонал кўпайтириш учун оптимал озика муҳитини танлаш;

микроклонланган ўсимлик таркибидаги *TMV-Ph* вирусини полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усулида таҳлил қилиш;

микроклонланган *Physalis alkekengi L.* ўсимлигини тупроқда ўстириш шароитларини оптималлаштириш;

Physalis alkekengi L. ўсимлигидан флавоноидларни экстракциялашнинг оптимал шароитларини танлаш;

флавоноидлар экстрактининг микробларга қарши ва иммуностимулятор хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигининг вегетатив қисмлари, тамаки мозаикаси вируси *Ph-ВТМ* штамми, индикатор ўсимликлар, флавоноидлар йиғиндиси экстракти, *Proteus mirabilis 9*, *Escherichia coli NC 101*, *Listeria monocytogenes*, *Pseudomonas aeruginosa 003841/114*, *Staphylococcus aureus*, *Bacillus subtilis ВКМ*, *Candida albicans* шартли патоген ва патоген микроорганизмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигини касаллантирувчи тамаки мозаикаси вируси хусусиятларини

аниқлаш, ПЭГ да чўктириш усули ёрдамида *Physalis alkekengi* ўсимлигидан тамаки мозаикаси вирусини (*TMV-Ph*) ажратиш ва тозалаш, *Physalis alkekengi* ўсимлигини микроклонал кўпайтириш усуллари ўрганиш, *Physalis alkekengi* ўсимлиги флавоноидлари экстрактини олиш ва унинг антимиқроб ва иммуностимулятор хусусиятларини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида ўсимликларнинг вирус касалликларини аниқлаш учун “индикатор ўсимликлар” усули, қаттиқ фазали нуқта усули dot-ИФА, флавоноидларни экстракция қилиш, стериллаш, Мурасиге-Скуга озиқа муҳитини тайёрлаш, ўсимликларни микроклонал кўпайтириш, полимераза занжир реакцияси (ПЗР) ва бошқа микробиологик ва биотехнологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Physalis alkekengi* L. доривор ўсимлигидан *Virgaviridae* оиласига мансуб “тобамовируслар” гуруҳи вакили бўлган тамаки мозаикаси вирусининг *TMV-Ph* штамми ажратилган ва унга паспорт олинган;

ажратиб олинган тамаки мозаикаси вирусининг *TMV-Ph* штаммини дала шароитида идентификация қилиш учун сезгир иммунофермент таҳлил (dot-ИФА) усули қўлланилиши билан асосланган;

илк бор *Physalis alkekengi* ўсимлиги эксплантларини ўстириш учун оптимал озиқа муҳитлари танланган ва унинг асосида *Physalis alkekengi* L. ўсимлиги микроклонал кўпайтирилиб, вируссиз ўсимлик яратилган, шунингдек, ўсимлик ривожланишининг ювенил фазасидан репродуктив фазасига ўтиши ва тупроқда ўстириш шароитлари асосланган;

микрочлонлаш усулида кўпайтирилган *Physalis alkekengi* ўсимлигида *TMV-Ph* вирусини аниқлаш учун праймерлар дизайни тузилган ва полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усули ёрдамида ўсимликда вирус мавжуд эмаслиги исботланган;

Physalis alkekengi ўсимлиги флавоноидлари экстрактининг *Proteus mirabilis* 9, *Escherichia coli* NC 101, *Listeria monocytogenes* ва *Bacillus subtilis* каби шартли патоген ва патоген бактерияларга нисбатан фаоллиги, шунингдек, *in vivo* усулида иммуностимуляторлик фаоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Physalis alkekengi доривор ўсимлигини касаллантирувчи тамаки мозаикаси вируси - *TMV-Ph* штамми аниқланган ва ушбу штамм дала шароитида сезгир иммуноэнзим таҳлили (dot-ИФА) усулида идентификация қилинган;

Physalis alkekengi доривор ўсимлиги микрочлонлаш усулида кўпайтирилган ва вируссиз ўсимлик олинган, шунингдек, ушбу ўсимликда *TMV-Ph* вируси мавжуд эмаслигини полимераза занжир реакцияси (ПЗР) ёрдамида асосланган ва ундан биологик фаол моддалар - флавоноидлар экстракция қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги – ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 маротабадан ўтказилгани ва бу ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини бергани билан асосланган. Экспериментал

маълумотларга статистик хато, ўртача, ишончлилик интерваллари, стандарт оғишларни ҳисоблаш Statistica 6.0.компьютер дастури ва стандарт методлар ёрдамида олиб борилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Physalis alkekengi* L. доривор ўсимлигидан *Virgaviridae* оиласига мансуб “тобамовируслар” гуруҳи вакили бўлган тамаки мозаикаси вируси *TMV-Ph* штаммининг ажратиб олиниши ва *Physalis alkekengi* L. ўсимлигини микроклонлаш усулида кўпайтириш ёрдамида вируссиз, соғлом ўсимликлар яратилиши каби илмий тадқиқотларнинг ривожига катта ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Республикамизда вируссиз, соғлом *Physalis alkekengi* L. доривор ўсимлиги плантацияларини яратиш имконини бериб, улардан ажратиб олинган биологик фаол моддалар эса тиббиёт ва фармацевтикада фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигини микроклонал кўпайтириш усули ёрдамида вируссиз ўсимлик яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тамаки мозаикаси вируси *Tobacco mosaic virus-TMV-Ph* штамми Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Фитопатоген ва бошқа микроорганизмлар” ноёб объекти коллекцияси генофондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 25 июлдаги 4/1255-2050-сон маълумотномаси). Натижада фитопатоген микроорганизмлар штамлари коллекция генофондини бойитиш, вирус турлар хилма-хилликлари электрон базаси ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш имконини берган;

Physalis alkekengi доривор ўсимлигидан ажратиб олинган тамаки мозаикаси вируси *TMV-Ph* штамми Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген микроорганизмлар миллий коллекциясининг (World Data Center for Microorganism (WDCM) National Collection of Phytopathogenic Microorganisms (NCAM)) маълумотлар базасига WDCM 862-рақами орқали рўйхатдан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 25 июлдаги 4/1255-2050-сон маълумотномаси). Натижада дунёнинг турли минтақаларида тарқалган тобамовируслар гуруҳига оид турларни тадқиқ қилишда глобал доирада фойдаланиш имконини берган;

Physalis alkekengi доривор ўсимлигини микроклонлаш усулида кўпайтирилиши И-2016-5/13 рақамли «Микроклонланган ноёб ўсимлик навларини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» амалий лойиҳасида ўсимлик ривожланишининг ювенил фазасидан репродуктив фазасига ўтиши ва тупроқда ўстириш шароитларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йилнинг 11 мартдаги 4/135-сон маълумотномаси). Натижада вируссиз соғлом, доривор *Physalis alkekengi* ўсимлиги яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“*Physalis alkekengi* L.доривор ўсимлиги турлари, тобамовируслар тавсифи ва соғлом ўсимликлар яратишнинг замонавий усуллари”**деб номланган биринчи бобида келтирилган адабиётлар таҳлилида биологик фаол моддаларга бой *Physalis alkekengi* L. ўсимлигининг шифобахш хусусиятлари, итузумдошлар ўсимликлар оиласи вакиллари касаллантирувчи тобамовируслар ва штаммлари тавсифи ҳамда ўсимликларни микроклонал кўпайтиришнинг замонавий усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Индикатор ўсимликлар ёрдамида тамаки мозаикаси вирусини аниқлаш, Мурасиге-Скуга озика муҳитини тайёрлаш ва ушбу муҳитда *Physalis alkekengi* L.доривор ўсимлиги эксплантларини микроклонал кўпайтириш учун ўстириш”** деб номланган иккинчи бобида тамаки мозаикаси вирусини (*TMV-Ph* – физалис штамми) «индикатор ўсимликлар усули» ёрдамида аниқлаш усуллари келтирилган, тамаки мозаикаси вирусини ажратиш ва тозалаш, *TMV-Ph* вируси штаммига юқори специфик антитана олиш ва дот-ИФА таҳлил усули билан вирусни аниқлаш, ўсимликни микроклонал кўпайтириш учун Мурасиге-Скуга озика муҳитини тайёрлаш ва унда ўсимлик эксплантларини кўпайтириш, тупроқни стериллаш ва микроўсимликни тупроққа ўтказиш, ПЗР усули билан тамаки мозаикаси вирусини аниқлаш, ўсимлик таркибидаги флавоноидлар йиғиндисини спектрофотометрда таҳлил қилиш ва ҳайвонлар лимфоид органларида иммунокомпетент ҳужайраларининг ошишини иммунологик тадқиқотлар ёрдамида аниқлаш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг “*Physalis alkekengi L.* доривор ўсимлигининг баъзи вирус хусусиятларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида тобамовируслар касаллик симптомларини аниқлаш, яъни тамаки мозаикаси вируси - физалис *TMV-Ph* штамми бўйича натижалар келтирилган. *Physalis alkekengi L.* ўсимлигининг вирусли касалликларини кузатиш асосида мозаика кўринишидаги (барглар рангининг ўзгариши, оч-яшил рангларни тўқ-яшил ранглар билан чипорланиши) вирус-специфик симптомлар билан касалланган барглар аниқланди (1-расм, В) ва кейинги тадқиқотларда ишлатилди.



1- расм. *Ph. alkekengi* ўсимлиги баргларидаги симптомлар:
 (А)- назорат (*Ph. alkekengi* соғлом барги)
 (Б) – барглар юзасида сариқ доғлар
 (В) – барглардаги тўқ-яшил мозаика
 (Г) – барглардаги деформацияланиш

Вирус-специфик симптомлар *N. glutinosa*, *N. tabacum* «Samsun» нави индикатор ўсимликларида ва *Physalis alkekengi L.* ўсимлигининг ўзида ўрганилди ва тўқ-яшил мозаика белгилари вирус мавжудлигини кўрсатди, бироқ, барглар юзасида сариқ доғлар, баргларнинг деформацияси симптомлари (1-расм, Б, Г) вирусга хос симптомларни намоён қилмади (1-жадвал).

1-жадвал

***Physalis alkekengi* ўсимлигида вирус-специфик симптомларни аниқлаш**

<i>Ph. alkekengi</i> ўсимлиги вирус касалликлари	Индикатор ўсимликлардаги симптомлар		
	<i>N. glutinosa</i>	<i>N. tabacum</i> «Samsun»нави	<i>Ph. alkekengi</i>
Назорат (соғлом барг)	-	-	-
Тўқ-яшил мозаика	Н	М	М
Барглар юзасидаги сариқ доғлар	-	-	-
Барглар деформацияланиши	-	-	-

Изоҳ: М-мозаика, Н-некроз, (-) - некроз намоён бўлмади

Physalis alkekengi L. ўсимлиги тамаки мозаикаси вируси симптомларини бошқа ТМВ штаммлари билан хўжайин ўсимликлар доирасида қиёсий таҳлил қилиш асосида физалис штамми-*TMV-Ph* бошқа ТМВ штаммларига ТМВ-В «Востряково» VII ТМВ-К (IV), ТМВ-Л (VI), ТМВ «Ленинград»VIII, ТМВ «Крымский» XII, Томат «Lenington», Томат «Ontario» III “Ленинград томатный зеленый IX”, Огуречный штамм «зеленый», *Ph. alkekengi (Ph-ВТМ)* ўхшаш белгиларни намоён қилди. Бироқ белгиларни намоён бўлиш вақти турлича бўлиб, баъзи штаммларда 6-, 10-, 12-, 15 ва х.к. кунларни ташкил этди 2-жадвал.

2-жадвал

***Ph. alkekengi* ўсимлиги ТМВ бошқа ТМВ штаммлари билан қиёсий тавсифи**

№	Штаммларнинг номи	N.tabacum «Samsun»	N.tabacum «Sylvestris»	N. tabacum «Debnev»	N. tabacum conf Barley	N. glutinosa	L. esculentum	Ch. quinoa	Ch. amaranticolor	D. stramonium	P. hybrida	Ph. alkekengi	Подорожник (P. lanceolata)	G. globosa	Бодиринг (Cucumis sativus)
1	О-ТМВ	6М	М	Н	Н	Н	12М	Н	Н	Н	М	М	М	М	Н
2	В-ТМВ «Востряково» VII	6М Д	М	Н	Н	Н	-	Н	Н	Н	Мс	-	М	М	Н
3	К-ТМВ (IV)	10М	10Н	Н	Н	Н	25М	Н	Н	Н	М	Н	-	М	Н
4	Л-ТМВ (VI)	6Мд	М	Н	Н	Н	-	Н	Н	Н	М	-	М	М	Мд
5	ТМВ «Ленинград» VIII	7Мд	10Мд	Н	Н	Н	14Мд	Н	Н	Н	М	-	М	М	-
6	ТМВ «Крымский» XII	10М	М	Н	Н	Н	Мс	Н	Н	Н	М	Н	-	М	-
7	Томат «Lenungton»	6Мд	6Н	Н	Н	Н	14М	Н	Н	Н	М	М	-	М	-
8	Томат «Ontario» III	10М	М	Н	Н	Н	М	Н	Н	Н	15Мд	-	-	М	-
9	Ленинград томатный зеленый IX	6М	М	Н	Н	Н	М	Н	Н	Н	М	Л	-	М	-
10	Огуречный штамм «зеленый»	6Мс	М	Н	Н	Н	Мс	Н	Н	Н	М	-	-	М	-
11	<i>Ph. alkekengi</i> (Ph-ТМВ)	10М	3Н	5Н	3Н	2Н	17СМ	10Н	10Н	6Н	17М	15М	25М	21М	3Н

Изох: М-мозаика, СМ – системали мозаика, Мс – кучсиз мозаика, Н-некротлар, Л-локал доғлар, Д- барглар деформацияси, (-) – симптомлар намоён бўлмади, сонлар касаллик белгилари намоён бўлган кунни кўрсатади. (P≤0,05).

Олинган натижалардан маълум бўлдики, *Ph. alkekengi* ўсимлиги вируси тобамовируслар гуруҳига хос симптомларни намоён қилди ва тамаки мозаикаси вирусининг “физалис штамми – TMV-Ph” деб номланди.


Тамаки мозаикаси вируси физалис штаммининг-TMV-Ph биологик, морфологик ва физик хусусиятларини ўрганиш асосида ушбу штаммининг Gibbs A., Harrison B. (1978) ва В.М. Жданова (1990) систематикаси бўйича *Virgaviridae* оиласининг «тобамовируслар» гуруҳига мансублиги аниқланди. Криптограммаси R/1: 2/5: E/E: S/0: дан иборат, яъни «қаттиқ» вирионлар узунлиги 300 нм, диаметри 18-20 нм; иссиқлик таъсирида инактивация нуқтаси (ИТИН) – 95-98°C; спирал симметрия асосида тузилган (спирал қадами 2,3 нм); бир занжирли РНК (5% РНК, 95% оксил) молекуляр массаси 2x10⁶ D дан иборат; Тадқиқотдаги TMV-Ph штаммининг вирусли ширадаги ИТИН -98°C; суюлиш даражаси – 10⁻⁷; изоэлектрик нуқтаси – 3,5 яъни ТМВ нинг томат штаммига яқин. Тамаки мозаикаси вирусининг физалис штаммига (TMV-Ph) паспорт олинди. Ажратиб олинган TMV-Ph вирус штамми Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекциясининг (World Data Center for Microorganism (WDCM) National Collection of Phytopathogenic Microorganisms (NCAM)) маълумотлар базасига WDCM №862 рақами билан рўйхатдан ўтказилган (http://new.wfcc.info/ccinfo/index.php/collection/by_id/862).

TMV-Ph вирусини тозалаш ва антитаналар олиш. Вирусни полиэтиленгликоль (ПЭГ) ёрдамида “чўктириш” усули билан вирусни тозалаш бўйича маълумотлар келтирилган. Бунда *Physalis alkekengi* L. ўсимлик

хужайрасидан вирусли препаратни олиш учун механик майдалаш ва гомогенизация қилиш усули қўлланган. Бунинг учун 300 г *Physalis alkekengi* L. ўсимлиги барглари 0,05М фосфат буфери (рН 7,5) иштирокида гомогенизация қилинган. Кейин филтрдан ўтказиб, 6000 айл/тез. да центрифуга қилинган ва 4% м.м.6000 ПЭГ да 4°С ҳароратда 1 соат давомида инкубация қилиниб чўктирилган. Сўнг 6000 айл/тез. да вирус центрифуга қилиниб, 33-35 мг/мл миқдорда қисман тозаланган вирус ажратиб олинган.

TMV-Ph вирусига специфик антитаналарни «Шиншилла» зотли қуёнга *TMV-Ph* иммуногенини Фрейнда адъюванти аралашмасида юбориш орқали иммунизация қилиб олинган. Бунда *TMV-Ph* концентрацияси 0,5 мг/мл дан 1,5 мг/мл гача миқдорни ташкил этган. Охирги инъекциядан 10 кун ўтиб, қуён қони олина бошланган ва *TMV-Ph* га специфик антитаналар ажратиб олинган. Ушбу специфик антитаналар *TMV-Ph* вирусини аниқлаш учун dot-ИФА таҳлилини амалга оширишда ишлатилган.

dot-ИФА усулида *TMV-Ph* вирусини идентификация қилиш. dot-ИФА иммунофермент таҳлили (dot-Elisa- нуктали қаттиқ фазада иммунофермент таҳлили) усули ёрдамида *Physalis alkekengi* L. ўсимлиги *TMV-Ph* штаммини дала шароитида аниқлаш учун натижалар келтирилган. Диагностик тадқиқотлар натижалари нитроцеллюлоза мембрана филтрларида ўтказилиб, ҳисоблаш ишлари субстрат рангининг ўзгариши билан визуал аниқланган. 2-расм.



2-расм. Нитроцеллюлоза мембранасида *TMV-Ph* вирусининг dot-ИФА таҳлили
Изоҳ: 1- назорат, 2, 3, 4, 5, 6 – турли концентрациядаги вирус намуналари

2-расмдан кўриниб турибдики, вирус концентрациясининг ошиши билан тўқ жигар рангли доғлар намоён бўлди. Ушбу маълумот вирус, яъни аниқланаётган антигеннинг юқори концентрацияда мавжудлигидан далолат беради. Қўлланилган dot-ИФА таҳлилининг бошқа усулларга нисбатан оддийлиги, самаралилиги бир вақтнинг ўзида кўплаб танланган намуналарни вирус билан касалланганлигини аниқлаш ва мураккаб қимматбаҳо асбоблардан фойдаланмасдан тегишли натижаларни олиш имконини беради.

Ўсимлик эксплантларини микроклонал кўпайтириш учун тайёрлаш ва стериллаш. *Physalis alkekengi* L. ўсимлигини стериллаш ва ўсимлик эксплантининг ўлчамини танлашнинг оптимал шароитлари келтирилган. Изоляцияланган тўқималар культураси билан ишлаш давомида стерилликка қаттиқ риоя қилиш зарур. Шунинг учун ўсимлик эксплантларини этанол, хлороформ, дистилланган сув ва ҳ.к.ларда стериллашнинг босқичма-босқич усуллари амалга оширилди. Тайёр бўлган стерил эксплантларни озиқа муҳитига жойлаштирилди ва эксплантларини озиқа муҳитига мослашиши учун 22°С ҳароратда 5 кун давомида совуқ инкубаторга қўйилди, кейинчалик

ёруғлик хонасида 24-25°C ҳароратда кундузи ва кечаси, 5-6 кЛх ёруғликда кузатилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, эксплантларни ўстиришнинг 4-5 кунда 6 та Петри идишидан 2-таси замбуруғ (33%) билан зарарлангани аниқланди. 4 чашкада замбуруғ ўсиши кузатилмади (66%). Ўсимлик поялари ва илдиз эксплантлари озуқа муҳитига экилганидан 10 кун ўтиб ривожлана бошлади ва 18-20 кун ичида тўлиқ шаклланди. 100% стериллаш самарадорлигига эришиш учун биз ўсимлик эксплантларини гипохлориднинг турли хил концентрацияларида стериллашга қарор қилдик. Натижалар 3-жадвалда келтирилган. Натижаларга кўра, ўсимлик эксплантларини 20% гипохлорид эритмасида стерилланганда 10 та эксплантдан 9 таси, 15% гипохлоридда 10 та эксплантдан 7 таси замбуруғ ва бактериялар билан зарарланмади. 5% ва 10% гипохлорид эритмасида зарарланган эксплантлар сонининг ошиши кузатилди, яъни 10 та эксплантдан 6-8 таси зарарланди. Ўсимлик поя ва илдизлари 18-20 кундан сўнг шаклланди.

3-жадвал

Physalis alkekengi ўсимлиги эксплантларини ўстириш учун оптимал озиқа муҳитини танлаш

№	Стерил эксплантлар сони	Гипохлорид концентрация си, %	Стериллаш вақти (секунд)	Зарарланмаган эксплантлар сони	Зарарланган эксплантлар сони
1	10	20	20	9±1	1
2	10	15	20	7±2	3
3	10	10	20	4±1	6
4	10	5	20	2±1	8

Изоҳ: зарарланган ва зарарланмаган эксплантлар микдори (M±m; n=5), P≤0,05

Шундай қилиб, олинган натижалардан маълум бўлдики, ўсимлик эксплантларини 20% гипохлорид эритмасида стериллаш, *Physalis alkekengi* ўсимлигини микроклонал кўпайтиришда эксплантларнинг ўсиши ва шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўсимликни микроклонал кўпайтириш учун оптимал озиқа муҳити ва эксплант ҳажмини танлаш. *Physalis alkekengi* ўсимлиги эксплантларини *in vitro* микроклонал кўпайтириш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда эксплант ҳажми (поя ва илдиз эксплантлари узунликлари 0,4; 0,6; 0,8; 1,0 см), озиқа муҳитининг таркиби ва замбуруғларга қарши нистатин препаратининг (500 000 ед/л дан 1500 000 ед/л гача) ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилган.

Натижалардан маълум бўлдики, 0,2 см ўлчамли илдизларнинг эксплантида ўсиш кузатилмади. Илдиз эксплантининг регенерацияси 0,6-1,0 см ўлчамли 8-9 кунда кузатилди. Поя узунликлари 0,8,-1,0 см бўлган эксплантларда ўсиш ва ривожланиш тезроқ бошланди, яъни 8-кундан. Энг яхши натижалар ўлчамлари 0,8-1,0 см дан иборат поя эксплантларида кузатилди (4-жадвал, озиқа муҳити №2 ва №3). Бундан ташқари, замбуруғларга қарши нистатин препарати оптимал концентрациясининг *Physalis alkekengi* ўсимлиги эксплантининг ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланган. Олинган маълумотларга кўра, 8 кундан сўнг, нистатин

концентрацияси 500 000 ед/л бўлганида пояларнинг ўсиши 3,0-6,0 см ни ташкил этди, барглар ўлчамлари 0,5 см дан 2,5 см гача узунликни ташкил этди (3-расм, А, В, С, D).

4-жадвал

**Микроклонал кўпайтириш учун *Physalis alkekengi* ўсимлиги
эксплантининг ўлчамини танлаш ($M \pm m$; $n=5$) $P \leq 0,05$**

Гормонсиз озиқа муҳитлари							
Илдиз эксплант узунлиги (см)	Илдиз ўсимталари		Поя эксплант узунлиги (см)	Поя ўсимталари узунлиги		Барглар узунлиги	
	кунлар	узунлиги (см)		кунлар	узунлиги (см)	кунлар	узунлиги (см)
Озиқа муҳити №1 назорат (нистатинсиз)							
0,2	2-3	-	0,2	8-9	-	8-9	-
0,4	4-5	-	0,4	8-9	-	8-9	-
0,6	6-7	-	0,6	8-9	0,3±0,04	8-9	0,5±0,06
0,8	7-8	-	0,8	8-9	0,5±0,06	8-9	1,0±0,08
1,0	7-8	-	1,0	8-9	0,5±0,06	8-9	1,0±0,08
Озиқа муҳити №2 (500 000 ед/л нистатинли)							
0,2	2-3	-	0,2	8-9	*	8-9	-
0,4	4-5	-	0,4	8-9	3,0±0,08	8-9	0,5±0,06
0,6	6-7	-	0,6	8-9	3,5±0,12	8-9	2,0±0,14
0,8	7-8	-	0,8	8-9	3,5±0,12	8-9	2,5±0,32
1,0	7-8	-	1,0	8-9	6,0±0,16	8-9	2,5±0,32
Озиқа муҳити №3 (нистатинли 1 000 000 ед/л)							
0,2	2-3	-	0,2	8-9	*	8-9	-
0,4	4-5	-	0,4	8-9	4,0±0,08	8-9	1,5±0,16
0,6	6-7	-	0,6	8-9	6,5±0,32	8-9	2,8±0,18
0,8	7-8	-	0,8	8-9	6,5±0,32	8-9	2,8±0,18
1,0	7-8	-	1,0	8-9	8,0±0,34	8-9	3,5±0,36
Озиқа муҳити №4 (нистатинли 1 500 000 ед/л)							
0,2	2-3	-	0,2	8-9	*	8-9	-
0,4	4-5	-	0,4	8-9	*	8-9	-
0,6	6-7	-	0,6	8-9	0,2±0,02	8-9	0,5±0,06
0,8	7-8	-	0,8	8-9	0,4±0,03	8-9	0,8±0,06
1,0	7-8	-	1,0	8-9	0,4±0,03	8-9	0,8±0,06

Изох: (-) ўсимталар кузатилмади, (*) – поянинг бўртиши



3-расм. *Physalis alkekengi* ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига нистатиннинг таъсири (А-назорат, В-озиқа муҳити №2 (500 000 ед./л нистатинли), С- озиқа муҳити №3 (1 000 000 ед/л нистатинли), D- озиқа муҳити №4 (1 500 000 ед/л нистатинли), E – *Physalis alkekengi* ўсимлигининг стерил тупроқда ўсиб ривожланиши

Нистатин концентрацияси 1 000 000 ед/л бўлган №3 озиқа муҳити ўсимлик эксплантларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. 10 кундан сўнг поянинг узунлиги 8,0 см ни барглар узунлиги эса 3,5 см ни ташкил этди. Олинган натижаларни назоратдаги эксплантлар ўсиши ва ривожланиши билан солиштирилганида (назоратда илдизлар узунлиги 0,3-0,5 см, баргларни эса 0,5-1,0 см ни ташкил этди) №3 озиқа муҳитида ушбу кўрсаткичлар бир неча марта ошганлиги маълум бўлди. Шу сабабли ўсимлик эксплантларини нистатин концентрацияси 1 500 000 ед/л бўлган озиқа муҳитига №4 экилди. Олинган натижаларга кўра нистатин концентрациясининг ошиши поя ва баргларнинг ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Нистатин концентрацияси 1 500 000 ед/л бўлган озиқа муҳити ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ингибирловчи таъсир кўрсатди.

Бундан ташқари, *Physalis alkekengi* ўсимлигини микроклонал кўпайтиришда концентрацияси турли бўлган гормонларнинг (ВАР, КИН, НАА ва ИВА) эксплантларни ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганилди. 5-жадвалдан кўриниб турибдики, концентрацияси 2 μM дан 10 μM ВАР ва КИН бўлган озиқа муҳитида пояларнинг барглар чиқариб ўсиши 12-15 кундан бошланди. Пояларнинг максимал ўсиб ривожланиши 20-25 кунда 8 μM ВАР ва КИН да кузатилди, янги ўсиб чиққан поя ўсимталарининг сони 6 тадан 13 та гача, узунлиги эса 0,4 см дан 5,18 см гача кўрсаткични ташкил этди.

5-жадвал

Physalis alkekengi ўсимлиги пояси эксплантлари индукциясига турли концентрациядаги цитокининларнинг таъсири ($M \pm m$; $n=5$) $P \leq 0,05$

ВАР	КИН	Униб чиқиши, %	Поялар сони	Поялар узунлиг см
2 μM	--	80	7,6 \pm 0,54	4,44 \pm 0,47
4 μM	--	90	6,8 \pm 1,48	4,68 \pm 0,25
6 μM	--	95	7,8 \pm 1,30	4,8 \pm 0,45
8 μM	--	100	13,4\pm1,14	5,18\pm0,14
10 μM	--	85	10,8 \pm 1,30	4,74 \pm 0,18
--	2 μM	95	6,8 \pm 1,48	4,36 \pm 0,16
--	4 μM	90	7,4 \pm 1,14	4,56 \pm 0,24
--	6 μM	95	8,8 \pm 0,83	4,84 \pm 0,38
--	8 μM	100	11,8 \pm 0,83	5,06 \pm 0,20
--	10 μM	90	8,2 \pm 1,48	4,66 \pm 0,15

Шунингдек, турли концентрациядаги (2 μM дан 10 μM гача) ауксинларни *Physalis alkekengi* ўсимлиги илдизларининг ўсиб ривожланишига таъсири ўрганилди (6-жадвал). Олинган натижалардан маълум бўлдики, концентрацияси 6 μM бўлган НАА ва ИВА *Physalis alkekengi* ўсимлиги илдизларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди, илдизларнинг сони 7-12 тагача, узунлиги эса 3,16 - 4,54 см кўрсаткични ташкил этди.

Physalis alkekengi ўсимлиги илдиз эксплантлари индукциясига турли хил концентрацидаги ауксинларнинг таъсири ($M \pm m$; $n=5$) $P \leq 0,05$

НАА	ИВА	Униб чиқиши, %	Илдизлар сони	Илдизлар узунлиги, см
2 μ M	--	80	8,8 \pm 0,83	3,44 \pm 0,23
4 μ M	--	90	8,6 \pm 1,14	3,58 \pm 0,16
6 μM	--	100	10,8\pm1,48	4,54\pm0,27
8 μ M	--	95	8,6 \pm 1,14	3,66 \pm 0,30
10 μ M	--	85	8,4 \pm 1,14	4,04 \pm 0,19
--	2 μ M	95	7,6 \pm 1,14	3,16 \pm 0,23
--	4 μ M	90	7,4 \pm 0,89	3,38 \pm 0,21
--	6 μM	100	12,4\pm1,14	4,06\pm0,20
--	8 μ M	95	7,2 \pm 0,83	3,66 \pm 0,29
--	10 μ M	90	7,8 \pm 0,44	3,68 \pm 0,34

Шундай қилиб, *Physalis alkekengi* ўсимлигини микроклонал кўпайтиришда таркибида 1 000 000 ед/л миқдорда нистатин, 8 μ M ВАР ва КИН, 6 μ M НАА ва ИВА гормонлари мавжуд бўлган озика мухитлари поя, барг ва илдизларнинг ўсиши ва ривожланиши учун оптимал озика мухитлари ҳисобланади.


Микроклонал кўпайтирилган *Physalis alkekengi* ўсимлигида ТМВ-Ph вирусини ПЗР усулида аниқлаш. Бунинг учун дастлаб *Physalis alkekengi* ўсимлиги ТМВ-Ph вирусининг праймерлар дизайни тузилди (7-жадвал) ва шу асосда ТМВ-Ph вирусини аниқлаш учун ПЗР таҳлили ўтказилди.

7-жадвал

ТМВ-Ph вирусининг специфик праймерлар дизайни
(Virus-specific primers for multiplex PCR)

Target virus	Primer	Sequence 5 –3	Tm (°C)	GC (%)	Amplicon size (bp)	NCBI accession
TMV	TMV F	TAGACCCGCTAGTCACAG	48.1	55.6	237	JN711115
	TMV R	CAGAGGTCCAAACCAAAC	49.9	50.0		

ТМВ-Ph вирусини ПЗР усулида аниқлаш юзасидан олинган натижалар шуни кўрсатдики, 3-пассаждан сўнг *Physalis alkekengi* ўсимлигида ТМВ-Ph вируси аниқланмади. Маълумотлар 4-расмда келтирилган.



4-расм. Микроклонланган *Physalis alkekengi* ўсимлиги таркибида ТМВ-Ph вирусини ПЗР усулида аниқлаш (1, 1a, 1b – биринчи пассаж вариантлари, 2, 2a, 2b - иккинчи пассаж вариантлари, 3, 3a, 3b – учинчи пассаж вариантлари)

Шундай қилиб, микроклонланган *Physalis alkekengi* ўсимлигида ТМВ-Ph вирусини ПЗР усулида аниқлаш юзасидан олинган натижалардан маълум бўлдики, 3-пассаждан кейин *Physalis alkekengi* ўсимлигида ТМВ-Ph вируси аниқланмади.

Микроклонланган Physalis alkekengi ўсимлигини тупроқда ўстиришининг оптимал шароитларини танлаш. Микроклонланган ўсимликни тупроқга трансплантация қилиш оптимал шарт-шароитларни талаб қилади. Микроклонал кўпайтирилган ўсимликнинг яшаб кетиши ва ҳосилдорлиги намлик, ҳарорат, тупроқ таркиби ва уларнинг стериллиги каби кўплаб омилларга боғлиқ. Ўсимликни тупроқга трансплантация қилишдан аввал 1:5 нисбатда биогумус:стерил тупроқ тайёрланди ва 1,5 атм.босим остида буғланиш таъсири билан 30-40 дақиқа аралашмани стерилланди. Бунда 25-30 см қатламли массани 90-100°C ҳароратга етгунга қадар қиздирилди. Эксплантларни тупроқга кўчириб ўтказиш 20-22°C ҳароратда, нисбий намлиги 70-80%, 3-4 кЛх ёруғликда дастлабки 10 кун давомида, ва 5-7 кЛх кейинги кунларда 14-16 с. фотопериод вақти билан махсус хонада амалга оширилди (5-расм). Расмдан кўриниб турибдики, микроклонланган *Physalis alkekengi* ўсимлиги стерил тупроқда жадал ривожлана бошлади, илдизлари тупроқга мослашди, дастлаб пайдо бўлган барглари ва пояси катталашди, янги барглар ва поялар ўсиб ривожланди.




5-расм. Микроклонланган вируссиз *Physalis alkekengi* ўсимлигини стерил тупроқда ўстириш

Шундай қилиб, микроклонланган *Physalis alkekengi* ўсимлигини тупроқда ўстиришининг оптимал шароитлари аниқланди.

Physalis alkekengi ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини экстракциясининг оптимал шароитларини аниқлаш. Вируссиз доривор *Physalis alkekengi* ўсимлигидан флавоноидлар биологик фаол моддалари экстракция қилинди. Бунда *Physalis alkekengi* ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилишнинг оптимал шароитлари ўрганилди. Экстракцияни 20% дан 96% гача бўлган этанолда амалга оширилди 20%, 30% ва 40% бўлган этанол концентрацияларида флавоноидлар чиқиши 0,25 дан 0,55 мг гача миқдорни ташкил этди. Флавоноидлар концентрацияси 80% бўлган этанолда тўлиқ экстракция бўлди ва 1,92 мг миқдорни ташкил этди. Экстрагент концентрациясининг ошиши экстракция самарадорлигига таъсир кўрсатмади. Шунингдек, флавоноидлар экстракцияси самарадорлигига 30-135

дақиқа давомида вақтни таъсири ўрганилди ва 90 дан 105 дақиқагача бўлган вақт давомида флавоноидлар ўсимлик хом ашёсидан тўлиқ экстракцияланиши аниқланди. Шунингдек, ўсимлик хом ашёсининг майдаланиш даражаси, экстрагент ва хом ашё нисбатининг экстракцияга таъсири ҳам ўрганилди. Бунда хом ашёни 2,0 мм гача майдаланганда (флавоноидлар 1,93 мг миқдорни ташкил этди), хом ашё ва экстрагент нисбати эса 1:100 бўлганда (флавоноидлар 1,95 мг миқдорни ташкил этди) *Physalis alkekengi* ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисининг максимал экстракцияланиши аниқланди. Шундай қилиб, *Physalis alkekengi* ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилишнинг оптимал шароитлари ўрганилди.

Physalis alkekengi ўсимлиги флавоноидлари экстрактининг бактерияларга қарши ва иммуностимулятор хусусиятларини ўрганиш. *Physalis alkekengi* ўсимлиги экстрактининг *Escherichia coli* 002673/477, *Pseudomonas aeruginosa* 003841/114, *Proteus mirabilis* 9, *Staphylococcus aureus*, *Bacillus subtilis* ВКМ, *Listeria monocytogenes*, *Candida albicans* шартли патоген ва патоген микроорганизмларга қарши фаоллигини ўрганиш бўйича олинган натижалар келтирилган 6-расм.



6-расм. Флавоноидлар экстрактининг шартли патоген микроорганизмларга нисбатан фаоллиги

7-расмдан кўриниб турибдики, флавоноидлар экстракти *Bacillus subtilis* ВКМ (ўсишнинг тўхташ зонаси диаметри 32 мм ташкил этди) ва *Listeria monocytogenes* (18 мм), *Staphylococcus aureus* (13 мм), *Pseudomonas aeruginosa* 003841/114 (12 мм) каби тест-микроорганизмларни нобуд қилувчи таъсир кўрсатди. *Proteus mirabilis* 9 ва *Escherichia coli* NC 101 микроорганизмлари флавоноидлар экстракти таъсирига ўта сезгир бўлиб, ўсишнинг тўхташ зонаси диаметри 32 мм ва 27 мм ташкил этди (8-жадвал).

8-жадвал

***Physalis alkekengi* ўсимлиги флавоноидлар экстрактининг шартли патоген микроорганизмларга қарши, диаметри, мм ($P \leq 0,05$)**

№	Флавоноид	<i>Escherichia coli</i> NC 101	<i>Pseudomonas aeruginosa</i> 003841/114	<i>Proteus mirabilis</i>	<i>Staphylococcus aureus</i>	<i>Bacillus subtilis</i> ВКМ	<i>Candida albicans</i>	<i>Listeria monocytogenes</i>
1	Флавоноид	27	12	32	13	32	0	18

Флавоноидлар экстрактининг нисбати 1:1, 1:2, 1:3 ва 1:4 бўлганида *Listeria monocytogenes* да ўсиш зонасининг тўхташи 18, 16, 14 ва 12 мм ташкил этди. *Bacillus subtilis* ВКМ да флавоноидлар экстракти концентрациясининг

пасайиши билан ўсиш зонасининг камайиши кузатилди ва 32, 29, 27, 24 мм ташкил этди. Флавоноидлар экстрактининг микробларга қарши фаоллиги *Proteus mirabilis* 9 ва *Escherichia coli* NC 101 бактерияларида экстракт дозасига боғлиқ бўлиб, ўсиш зонасининг тўхташи 32, 30, 28, 26 мм ва 26, 24, 22, 19 мм ташкил этди.

Шундай қилиб, флавоноидлар йиғиндиси экстракти ўрганилган шартли патоген микроорганизмларга қарши кенг антимиқроб таъсирга эгаллиги маълум бўлди. Экстракт *Proteus mirabilis* 9, *Escherichia coli* NC 101, *Listeria monocytogenes* ва *Bacillus subtilis* BKM каби микроорганизмларни ўсишини самарали тўхтатди ва антимиқроб таъсири экстракт дозасига боғлиқ бўлди.

Шунингдек, *Physalis alkekengi* ўсимлиги флавоноидлар экстрактининг сичқонлар лимфоид органларидаги иммунокомпетент хужайралари сонини ошишига таъсири ҳам ўрганилди. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Флавоноидлар экстрактининг сичқонлар лимфоид органларидаги иммунокомпетент хужайралари сонини ошишига таъсири ($M \pm m$, $n=6$) ($P \leq 0,05$)

№	Гурухи	Экстракт дозаси	Тимус хужайралари $\times 10^6$	НИ	Суяк кўмиги хужайралари $\times 10^6$	НИ	Лимфа хужайралари $\times 10^6$	НИ
1.	Назорат	-	36,8 \pm 2,0	-	11,0 \pm 0,5	-	20,5 \pm 0,8	-
2.	Экстракт <i>Physalis alkekengi</i>	1,0 мг/л	65,2 \pm 2,1*	+1,77	20,8 \pm 0,5*	+1,89	29,2 \pm 1,1*	+1,42

Изох: НИ – назоратга нисбатан индекс, * - назоратга тўғри

Олинган натижалардан маълум бўлдики, тимусда назорат гурухида 36,8 \pm 2,0 $\times 10^6$ хужайралар аниқланган. *Physalis alkekengi* ўсимлиги флавоноидлар экстракти иммунизация қилинган сичқонларда тимусдаги хужайралар сонини 1,77 марта, суяк кўмиги хужайралари сонини 1,89 марта ва лимфа хужайралари сонини 1,42 марта ошириши маълум бўлди.

ХУЛОСА

«Микроклонлаш усули ёрдамида вируссиз доривор *Physalis alkekengi* ўсимлигини яратиш ва биологик фаол моддалар олиш» мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Илк бор *Physalis alkekengi* L. доривор ўсимлигидан тамаки мозаикаси вирусининг TMV-Ph штамми ажратиб олинди ва унинг биологик, морфологик ва физик хусусиятлари ўрганилди. TMV-Ph штамми тобамовируслар гурухининг *Virgaviridae* оиласига мансублиги аниқланди. Вируснинг ушбу штамми учун паспорт олинган. TMV-Ph вирус штамми Жаҳон микроорганизмлар маълумотлар марказининг Патоген Микроорганизмлар Миллий коллекциясининг (World Data Center for Microorganism (WDCM) National Collection of Phytopathogenic Microorganisms (NCAM)) маълумотлар базасига WDCM №862 рақами билан рўйхатга киритилган (http://new.wfcc.info/ccinfo/index.php/collection/by_id/862).

2. *TMV-Ph* штамми нитроцеллюлозали мембранага адсорбцион-иммобилланган антитаналар асосида сезгир қаттиқ фазали иммунофермент усули ёрдамида идентификация қилиниб, ушбу усул дала шароитида кўп сонли намуналарни бир вақтнинг ўзида таҳлил қилиш имконини берган.
3. Илк бор микроклонал кўпайтириш ёрдамида вируссиз доривор *Physalis alkekengi* ўсимлигини яратиш усули ишлаб чиқилди. Бунда 1 000 000 ед/л нистатин, концентрацияси 8 μ M ВАР ва КИН, 6 μ M NAA ва ИВА бўлган гормонлар ўсимликларни микроклонал кўпайтиришда поя, барг ва илдизларини ўсиб ривожланиши учун оптимал озика муҳити эканлиги аниқланди. Ўсимликни ювенил фазасидан репродуктив фазасига ўтишини тезлаштириш ва ўсимликни тупроқда етиштириш учун махсус шароитлар: 20-22°C ҳарорат, 70-80% нисбий намлик, 14-16 соатли фотодавр давомида 3-4 кЛх ёруғлик дастлабки 10 кун мобайнида ва кейинги кунларда 5-7 кЛх ёруғлик бўлиши қайд этилди.
4. Илк бор *Physalis alkekengi* доривор ўсимлигида *TMV-Ph* вирусини полимераза занжир реакцияси (ПЗР) усули ёрдамида аниқлаш учун праймерлар дизайни тузилди. Бунда 3-пассаждан сўнг микроклонланган *Physalis alkekengi* ўсимлиги эксплантларида *TMV-Ph* вируси мавжуд эмаслиги аниқланди.
5. Доривор *Physalis alkekengi* ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини экстракция қилишнинг оптимал шароитлари танланди. Бунда 80% этил спиртида хом ашё ўлчами 2,0 мм бўлган, хом ашё/экстрагент 1:100 нисбати флавоноидлар йиғиндисини экстракцияси учун оптимал кўрсаткич эканлиги қайд этилди.
6. Флавоноидлар экстракти йиғиндисининг *Proteus mirabilis* 9, *Escherichia coli* NC 101, *Listeria monocytogenes* ва *Bacillus subtilis* каби шартли патоген ва патогенларга қарши антибактериал фаоллиги аниқланди. Флавоноидлар экстракти дозага боғлиқ равишда бактерияларнинг кўпайишини самарали тўхтатди. Бунда флавоноидлар концентрациясининг ошиши билан микроорганизмларни ўсиш зонасини кенгайтириши кузатилди.
7. Флавоноидлар экстрактининг *in vivo* иммуностимулятор таъсири аниқланиб, ҳайвонлар лимфоид органларининг иммунокомпетент ҳужайралари сонини: тимусда - 1,77 марта, суяк кўмигида - 1,89 марта ва лимфа тугунларида - 1,42 марта самарали ошириши билан изоҳланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КАДИРОВА ЗУХРА АБРАРОВНА

**СОЗДАНИЕ БЕЗВИРУСНОГО ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТЕНИЯ
PHYSALIS ALKEKENGI МЕТОДОМ МИКРОКЛОНИРОВАНИЯ И
ПОЛУЧЕНИЕ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ**

03.00.12 – Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером **B2019.2.PhD/B347**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (microbio@academy.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ташмухамедова Шохиста Сабировна**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Турдикулова Шахлохон Уткуровна**
доктор биологических наук, профессор

Рамазанов Нурмурод Шералиевич
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: Центр геномики и биоинформатики

Защита диссертации состоится «9» июля 2020 года в «10» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.38.01 при Институте микробиологии (Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадирий,7б, конференц-зал Института микробиологии, 5-этаж. Тел.: (+99871)241-92-28, (+99871)241-71-98, факс: (-99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: microbio@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под №__). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Кадирий,7б, Административное здание Института микробиологии, 5-этаж, библиотека.Тел.: (+99871)241-92-28

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020г.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2020 г.

Арипов Тахир Фатихович
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Гулямова Ташхан Гафуровна
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Увеличение численности населения в мире повышает потребность в лекарственных веществах. Известно, что биологически активные вещества получают из редких лекарственных растений, имеющих медицинское значение. На сегодняшний день резкое изменение экологии приводит к тому, что эти редкие растения заражаются фитопатогенами, в том числе растительными вирусами. Вирусные патогены отрицательно влияют на рост и развитие лекарственных растений, а также на их лечебные свойства. Стоит отметить, что применение пестицидов, ядохимикатов против вирусов не всегда дает положительный эффект, и эти вещества могут нанести серьезный ущерб биосфере. Поэтому микрклональное размножение лекарственных растений, том числе *Physalis alkekengi*, и создание здорового безвирусного растения, а также получение из него биологически активных веществ имеет научное и практическое значение.

Во всем мире ведутся научные работы по защите различных лекарственных растений от фитопатогенов, особенно тобамовирусов, которые наносят серьезный ущерб представителям семейства пасленовых. В частности, определение эффективности метода микрклонального размножения растений, выбор оптимальных питательных сред для культивирования и размножения растительных экстрактов, получение соматических гибридов на основе разделения растительных протопластов, выделение растительных клеток и их генетическая трансформация, усовершенствование методов получения гаплоидных растений и дигаплоидов на их основе, определение лекарственных свойств экстрактов *Physalis alkekengi* L., выделение таких важных биологически-активных соединений, как флавоноиды и физалины, имеющих антибактериальную активность и иммуностимулирующее действие с использованием современных биотехнологических подходов требует разработки биотехнологии создания безвирусных, здоровых лекарственных растений с использованием методов микрклонального размножения растений.

